
МАКТАБЛАРДА "СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ"; ТАДБИРЛАРИ &"ИЛМНИ ҚАДРЛАНГ, ИЛМГА ИНТИЛИНГ!" ШИОРИ ОСТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим муассасаларида "Сўнги қўнғироқ" тадбирларини ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Унга кўра:

- "Сўнги қўнғироқ" тадбирларини 25 май куни соат 8:00 дан 9:00 га қадар "Илмни қадрланг, илмга интилинг!" шиори остида ташкил этиш;
- тадбирларга фақатгина 1-, 4-, 9-, 11-синф ўқувчиларини жалб этиш;
- мактаблар ҳудудига техника воситаларини ва бегона шахсларни киритилмаслик (ота-оналар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари бундан мустасно);
- "Сўнги қўнғироқ" тадбирларини, назорат имтиҳонлари ва якуний давлат аттестацияларини ўтказишда, таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш борасида ўқувчи ва битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналаридан турли хил пул йиғимларига йўл қўймаслик белгиланган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-05-16 13:59:58